

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси Одил судлов
академияси Кенгаши раиси

Ш.Абдуқодиров

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Кенгаши мажлисининг
3-сон
БАЁННОМАСИ

2026 йил 19 март

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

Ш.Абдуқодиров ю.ф.д. - Одил судлов академияси ректори

Иштирок этдилар:

ю.ф.д., профессор Д.Арипов, ю.ф.д., профессор Н.Салаев, ю.ф.ф.д(PhD) И.Палвонов, ю.ф.д., профессор Б.Самарходжаев, ю.ф.д., профессор И.Насриев, ю.ф.н., доцент С.Б.Холбаев, ю.ф.ф.д(PhD), доцент Ш.Хакназаров, ю.ф.ф.д(PhD), доцент в.б., Т.Обидов, ю.ф.ф.д (PhD), профессор в.б., Д.Исраилов, ю.ф.н., профессор Х.Азизов, ю.ф.д., профессор И.Рустамбеков, ю.ф.д., доцент Ф.Махмудов, У.Мингбоев.

Кенгаш котиби – ю.ф.ф.д (PhD), Ф.Мадиев.

КУН ТАРТИБИ:

1. Одил судлов академияси ўқитувчилари Тошев Отабек Содикович ва Мамадиев Сарвар Носиржоновичларни доцент вазифасини бажарувчи унвонига тавсия этиш.
2. Мустақил изланувчи Б.Б.Касимходжаеванинг “Меҳнатга қобилиятсиз боқимларнинг ворисликдаги ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш” мавзусини 12.00.04 – ихтисослиги бўйича “Ворисликка оид низоларни судда кўришнинг назарий ва амалий масалалари” мавзусига, таянч докторант И.Алимарданованинг “Бадиий асарлардан эркин фойдаланишнинг фуқаровий ҳуқуқий воситалари” мавзусини “Муаллифлик ҳуқуқида асарлардан эркин фойдаланишнинг фуқаровий-ҳуқуқий воситалари” мавзусига, таянч докторант Ж.Бозоровнинг мавзусини “Жиноят процессининг судгача бўлган босқичида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурорнинг иштироки” дан “Шахсий ҳаёт дахлсизлигининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари” мавзусига ўзгартиришни тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида 70420115 – “Суд фаолияти” мутахассислиги бўйича амалий магистратурада ўқитишнинг тўлов-контракт микдорини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.
4. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида 70420115 – “Суд фаолияти” мутахассислиги бўйича магистратурада ўқитишнинг тўлов-контракт қиймати белгилаш.
5. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясига ходимларини ишга қабул қилиш тартиби ҳақидаги низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш.
6. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси З.Р.Омонов томонидан тайёрланган “Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари намуналари. биринчи инстанция.” номли амалий қўлланмани нашрга тавсия қилиш.
7. Касбий кўникмалар фанлар кафедраси мудир, ю.ф.ф.д., доцент Ш.Хакназаровнинг “Судья касб этикаси ва маънавиятига оид савол-жавоблар” номли услубий тавсияларни нашрга тавсия қилиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган “Фуқаролик ишлари бўйича судьялик лавозимига номзодлар учун савол-жавоблар” номли услубий тавсияларни нашрга тавсия қилиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Маъмурий-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган “Судьялик лавозимига номзодлар учун саволларга жавоблар” номли услубий тавсиялар нашрга тавсия қилиш.

10. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Иқтисодий-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган “Судьялик лавозимига номзодлар учун саволларга жавоблар” номли услубий тавсиялар нашрга тавсия қилиш.

11. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Иқтисодий-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган “Иқтисодий ишлар бўйича суд ҳужжатлари намуналари” номли амалий қўлланмани нашрга тавсия қилиш.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан сўзни Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаевага берди.

К.Миршаева: Ассалому алайкум ҳурматли Кенгаш аъзолари! Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 апрелдаги 224/8-сон қарорига илова билан тасдиқланган "Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига мурожаат қиладиган бўлсак, доцент илмий унвонига талабгор камида бир ўқув йили давомида таълим муассасасининг штатида тегишли лавозимда муваффақиятли ишлаб келаётган бўлиши лозим. Одил судлов академияси ўқитувчилари Тошев Отабек Содикович ва Мамадиев Сарвар Носиржоновичлар томонидан мазкур Низомда доцент илмий унвонини олиш учун талаб этиладиган барча илмий, ўқув ва ташкилий ишлар тўлиқ ҳамда сифатли бажарилган. Номзодлар томонидан тақдим этилган аттестация ҳужжатлари ва илмий-педагогик фаолияти натижалари бўлимимиз томонидан батафсил ўрганиб чиқилди. Юқоридагиларни ҳамда номзодларнинг илмий салоҳияти ОАК Раёсатининг талабларига жавоб беришини эътиборга олиб, ушбу номзодларни доцент вазифасини бажарувчи унвонига тавсия этишни ёқлаб овоз беришларингизни сўрайман.

К.Миршаева ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди. Ушбу масала юзасидан Кенгаш аъзолари томонидан қўшимча фикр ва мулоҳазалар билдирилмади. Шундан сўнг, раислик қилувчи юқорида қайд этилган талаблардан келиб чиққан ҳолда Кенгаш аъзоларидан Одил судлов академияси ўқитувчилари Тошев Отабек Содикович ва Мамадиев Сарвар Носиржоновичларни доцент вазифасини бажарувчи унвонига тавсия этишни ёқлаб овоз беришларини сўраб, очик овозга қўйди.

Тарафдорлар -16 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Одил судлов академияси Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаеванинг Одил судлов академияси ўқитувчилари Тошев Отабек Содикович ва Мамадиев Сарвар Носиржоновичларни доцент вазифасини бажарувчи унвонига тавсия этиш ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Одил судлов академияси ўқитувчиси Тошев Отабек Содикович доцент вазифасини бажарувчи унвонига тавсия этилсин.тегишли тартибда буйруқ билан расмийлаштирилсин.

3. Одил судлов академияси ўқитувчиси Мамадиев Сарвар Носиржоновичлар доцент вазифасини бажарувчи унвонига тавсия этилсин ва

4. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилиш Одил судлов академияси Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаева зиммасига юклатилсин

Раислик қилувчи кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан сўзни К.Миршаевага берди.

К.Миршаева: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, мустақил изланувчилар ва таянч докторантларнинг диссертация мавзуларини белгилаш ва уларга ўзгартиришлар киритиш бевосита коллегиял орган (Кенгаш) қарорида тасдиқланиши катъий белгиланган. Шу мақсадда, бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар, қонунчиликдаги янгиланишлар ҳамда тадқиқотларнинг долзарблиги ва илмий-амалий аҳамиятини ошириш мақсадида бир қатор тадқиқотчиларимизнинг диссертация мавзулари номига тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш зарурати туғилди. Хусусан:

мустақил изланувчи Б.Б.Касимходжаеванинг 12.00.04 – ихтисослиги бўйича “Меҳнатга қобилиятсиз боқимларнинг ворисликдаги ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш” мавзусини тадқиқот кўламини кенгайтириш мақсадида “Ворисликка оид низоларни судда кўришнинг назарий ва амалий масалалари” мавзусига;

таянч докторант И.Алимарданованинг “Бадиий асарлардан эркин фойдаланишнинг фуқаровий ҳуқуқий воситалари” мавзусини мазмунан аниқлаштириб, “Муаллифлик ҳуқуқида асарлардан эркин фойдаланишнинг фуқаровий-ҳуқуқий воситалари”га;

ҳамда таянч докторант Ж.Бозоровнинг “Жиноят процессининг судгача бўлган босқичида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурорнинг иштироки” мавзусини бугунги кун талабларига мослаштирган ҳолда “Шахсий ҳаёт дахлсизлигининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари”га ўзгартириш таклиф қилинмоқда. Ушбу ўзгартиришлар диссертация ишларининг мақсад ва вазифаларини янада тўғри ёритишга хизмат қилади.

Мазкур ўзгартиришларни кўриб чиқиб, тасдиқлаб беришларингизни сўрайман.

К.Миршаева ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди. Ушбу масала юзасидан Кенгаш аъзолари томонидан қўшимча фикр ва мулоҳазалар билдирилмади. Шундан сўнг, раислик қилувчи Кенгаш аъзоларидан мустақил изланувчи ва таянч докторантларнинг диссертация мавзуларига киритилган ўзгартиришларни тасдиқлаш таклифини киритиб, очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар - 16 та; қаршилар - 0; бетарафлар – 0

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Одил судлов академияси Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаеванинг мустақил изланувчи ва таянч докторантларнинг диссертация мавзуларини ўзгартириш юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ, Академия изланувчиларининг диссертация мавзулари қуйидагича :

мустақил изланувчи Б.Б.Касимходжаеванинг диссертация мавзуси 12.00.04 – ихтисослиги бўйича “Ворисликка оид низоларни судда кўришнинг назарий ва амалий масалалари”;

таянч докторант И.Алимарданованинг диссертация мавзуси “Муаллифлик ҳуқуқида асарлардан эркин фойдаланишнинг фуқаровий-ҳуқуқий воситалари”;

таянч докторант Ж.Бозоровнинг диссертация мавзуси эса “Шахсий ҳаёт дахлсизлигининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари” деб янги таҳрирда тасдиқлансин.

3. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлимига тасдиқланган янги мавзуларни белгиланган тартибда Олий аттестация комиссияси рўйхатига киритиш ҳамда тегишли хужжатларни расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилиш Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаева зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан сўзни Магистратура факультети бош мутахассиси М.Шерматовга берди.

М.Шерматов: Ассалому алайкум ҳурматли Кенгаш аъзолари! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Одил судлов академиясида қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Академияда таълим жараёнини молиявий жиҳатдан тўғри ва мақсадли тартибга солиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда, 70420115 – “Суд фаолияти” мутахассислиги бўйича амалий магистратурада ўқитишнинг тўлов-контракт миқдорини белгилаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур низомда тўлов-контракт асосида таҳсил олувчи тингловчилар учун тўловларни амалга ошириш тартиби, молиявий шартлар ва муддатлари батафсил белгилаб берилган. Ушбу хужжатнинг қабул қилиниши, энг аввало, Академиянинг молиявий барқарорлигини таъминлашга, ўқув жараёнига етук ва малакали мутахассисларни жалб этишга, шунингдек, таълим сифатини ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базани мустаҳкамлашга бевосита хизмат қилади. Юқоридагиларни инобатга олиб, мазкур низомни кўриб чиқиб, тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

М.Шерматов ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Ушбу масала юзасидан Кенгаш аъзолари томонидан қўшимча фикр ва мулоҳазалар билдирилмади.

Шундан сўнг, раислик қилувчи Кенгаш аъзоларидан 70420115 – “Суд фаолияти” мутахассислиги бўйича амалий магистратурада ўқитишнинг тўлов-контракт миқдорини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш таклифини киритиб, очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар - 16 та; қаршилар - 0; бетарафлар – 0

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Магистратура факультети бош мутахассиси М.Шерматовнинг Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида 70420115 – “Суд фаолияти” мутахассислиги бўйича амалий магистратурада ўқитишнинг тўлов-контракт миқдорини белгилаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаси юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида 70420115 – “Суд фаолияти” мутахассислиги бўйича амалий магистратурада ўқитишнинг тўлов-контракт миқдорини белгилаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва унинг устидан назорат олиб бориш Одил судлов академияси проректори Д.Арипов ҳамда Бухгалтерия зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан сўзни яна М.Шерматовга берди.

М.Шерматов: Кун тартибидаги олдинги масалада кўриб чиқилган ва тасдиқланган Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда, 70420115 – “Суд фаолияти” мутахассислиги бўйича магистратурада ўқитишнинг аниқ тўлов-контракт қийматини белгилаш ва тасдиқлаш масаласи ҳам бугунги кун тартибига киритилган. Ушбу тўлов-контракт қиймати Академиянинг ўқув жараёнини юқори савияда ташкил этиш, таълим жараёнига жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва харажатларни

молиялаштириш мақсадида молия-иқтисод бўлими билан ҳамкорликда иқтисодий жихатдан асослантириб чиқилди.

Сизлардан мазкур ҳисоб-китобларни кўриб чиқиб, магистратурада ўқитишнинг белгиланган тўлов-контракт қийматини тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

М.Шерматов ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Ушбу масала юзасидан Кенгаш аъзолари томонидан қўшимча фикр ва мулоҳазалар билдирилмади.

Шундан сўнг, раислик қилувчи Кенгаш аъзоларидан 70420115 – “Суд фаолияти” мутахассислиги бўйича магистратурада ўқитишнинг тўлов-контракт қийматини тасдиқлаш масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -16 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Магистратура факультети бош мутахассиси М.Шерматовнинг 70420115 – “Суд фаолияти” мутахассислиги бўйича магистратурада ўқитишнинг тўлов-контракт қийматини белгилаш юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Иқтисодий асослантирилган ҳисоб-китобларга мувофик, Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида 70420115 – “Суд фаолияти” мутахассислиги бўйича магистратурада ўқитишнинг тўлов-контракт қиймати кундузги магистратура учун 19.980.000 сўм, кечки магистратура учун 21.978.000 сўм қилиб белгилансин.

3. Мазкур қарор белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши билан келишиш учун юборилсин.

4. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва унинг устидан назорат олиб бориш Одил судлов академияси проректори Д.Арипов ҳамда Бош бухгалтер Қ.Турсуновлар зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **бешинчи масала** юзасидан сўзни Кадрлар бўлими бош мутахассиси К.Ганибаевга берди.

К.Ганибаев: Ассалому алайкум ҳурматли Кенгаш аъзолари! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Академияда кадрлар сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, муносиб ва малакали мутахассисларни жалб қилиш талаб этилмоқда. Шунга кўра, ходимларни ишга қабул қилиш ва уларни жой-жойига қўйишда очиқлик ва шаффофликни яратиш, ишга қабул қилиш жараёнларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясига ходимларни ишга қабул қилиш тартиби ҳақидаги низомнинг янги таҳрири ишлаб чиқилди. Бу Низом барча профессор-ўқитувчилар, илмий ва бошқарув ходимларини, шунингдек, ўқув-ёрдамчи ва техник ходимларни саралаб олиш, танлов ўтказиш ва лавозимларга тайинлаш жараёнларини аниқ ва қатъий тартибга солади. Мазкур низом лойиҳасини кўриб чиқиб, тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

К.Ганибаев ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Ушбу масала юзасидан Кенгаш аъзолари томонидан қўшимча фикр ва мулоҳазалар билдирилмади.

Шундан сўнг, раислик қилувчи Кенгаш аъзоларидан Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясига ходимларни ишга қабул қилиш тартиби ҳақидаги низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -16 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ :

1. Кадрлар бўлими бош мутахассиси К.Ганибаевнинг Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясига ходимларни ишга қабул қилиш тартиби ҳақидаги низомнинг янги таҳрири лойиҳаси юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясига ходимларни ишга қабул қилиш тартиби ҳақидаги низомнинг янги таҳрири тегишли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва тасдиқланган низом талабларига қатъий риоя этилиши устидан назорат олиб бориш Одил судлов академияси проректори Д.Арипов ҳамда Кадрлар бўлими бош мутахассиси К.Ганибаевлар зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **олтинчи масала** юзасидан сўзни “Жиноят-ҳуқуқий фанлар кафедраси” ўқитувчиси З.Омоновга берди.

З.Омонов: Ассалому алайкум ҳурматли Кенгаш аъзолари! Мен томонимдан “Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари намуналари. биринчи инстанция” номли амалий қўлланма тайёрланди. Мазкур амалий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси тингловчиларини биринчи инстанция судида жиноят ишларини суд мажлисида кўришга тайёрлаш, жиноят ишларини кўриш босқичидан бошлаб ҳукм чиқариш босқичига қадар жиноят-процессуал қонунчиликни тўғри қўллашни ўргатишга қаратилган.

Шунингдек, суд муҳокамасида қабул қилинадиган барча процессуал қарорларни ва суд ҳукмини қонун талаблари асосида тўғри тузишни ўрганишда асосий дастуриламал сифатида тавсия этилади.

Бундан ташқари, Академия кенгаши йиғилишига қадар Кенгаш аъзолари мазкур амалий қўлланма билан олдиндан танишиб чиқишлари учун Кенгаш котиби Ф.Мадиев томонидан барча аъзоларга қўлланманинг электрон шакли тақдим этилган. Ҳурматли Кенгаш аъзолари, мазкур амалий қўлланмага соҳа мутахассислари томонидан тегишли ижобий тақризлар олинганлигини, шу билан бирга, ушбу масала Жиноят-ҳуқуқий фанлар кафедраси мажлисида ҳам атрофлича кўриб чиқилиб, маъқулланганлигини эътиборга олиб, нашрга тавсия этишингизни сўрайман.

З.Омонов ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Ушбу масала юзасидан Кенгаш аъзолари томонидан қўшимча фикр ва мулоҳазалар билдирилмади.

Шундан сўнг, раислик қилувчи Кенгаш аъзоларидан З.Омонов томонидан тайёрланган амалий қўлланмани нашрга тавсия этиш масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -16 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ :

1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Жиноят-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси З.Омоновнинг “Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари намуналари. биринчи инстанция” номли амалий қўлланмасини нашрга тавсия этиш юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. З.Омонов томонидан тайёрланган “Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари намуналари. биринчи инстанция” номли амалий қўлланмаси нашрга тавсия этилсин ва нашр этиш Одил судлов академияси маблағи ҳисобидан молиялаштирилсин.

3. Мазкур амалий қўлланмани сифатли чоп этилишини таъминлаш вазифаси Академиянинг Ўқув-услубий бўлими ҳамда муаллиф зиммасига юклатилсин.

4. Нашр этиш юзасидан ушбу қарор ижросини таъминлаш Академия бош ҳисобчиси Қ.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Раислик килувчи кун тартибидаги **еттинчи масала** юзасидан сўзни Касбий кўникмалар фанлар кафедраси мудир Ш.Ҳақназаровга берди.

Ш.Ҳақназаров: Ассалому алайкум ҳурматли Кенгаш аъзолари! Мен томонимдан “Судья касб этикаси ва маънавиятига оид савол-жавоблар” номли услубий тавсиялар тайёрланди. Бугунги кунда суд тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида судьялар ва суд ходимларининг маънавияти, ахлокий киффаси ва касб этикаси энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур услубий тавсиялар айнан шу мақсадларга хизмат қилиб, суд ходимлари, Академия тингловчилари ва талабаларнинг касбий-ахлокий фазилатларини ривожлантириш, уларда юксак маънавият ва адолат туйғусини шакллантириш учун мўлжалланган.

Шунингдек, Кенгаш йиғилишига қадар барча аъзолар мазкур услубий тавсиялар билан олдиндан танишиб чиқишлари учун Кенгаш котиби Ф.Мадиев томонидан унинг электрон шакли Сизларга тақдим этилган.

Ҳурматли Кенгаш аъзолари, ушбу услубий тавсиялар соҳанинг етакчи мутахассислари томонидан тегишли ижобий тақризлар олинганлигини, шу билан бирга, масала кафедра мажлисида атрофлича муҳокама қилиниб, маъқулланганлигини эътиборга олиб, уни нашрга тавсия этишни тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

Ш.Ҳақназаров ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик килувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Ушбу масала юзасидан Кенгаш аъзолари томонидан қўшимча фикр ва мулоҳазалар билдирилмади.

Шундан сўнг, раислик килувчи Кенгаш аъзоларидан Ш.Ҳақназаров томонидан тайёрланган ауслубий тавсияларни нашрга тавсия этиш масаласини очик овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ :

1. Одил судлов академияси Касбий кўникмалар фанлар кафедраси мудир Ш.Ҳақназаровнинг “Судья касб этикаси ва маънавиятига оид савол-жавоблар” номли услубий тавсияларни нашрга тавсия этиш юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ш.Ҳақназаров томонидан тайёрланган “Судья касб этикаси ва маънавиятига оид савол-жавоблар” номли услубий тавсиялар нашрга тавсия этилсин ва нашр этиш Одил судлов академияси маблағи ҳисобидан молиялаштирилсин.

3. Мазкур услубий тавсияларни сифатли чоп этилишини таъминлаш вазифаси Академиянинг Ўқув-услубий бўлими ҳамда муаллиф Ш.Ҳақназаров зиммасига юклатилсин.

4. Нашр этиш юзасидан ушбу қарор ижросини таъминлаш Академия бош ҳисобчиси Қ.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи масала** юзасидан сўзни Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори И.Насриевга берди.

И.Насриев: Ассалому алайкум ҳурматли Кенгаш аъзолари! Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари жамоаси томонидан “Фуқаролик ишлари бўйича судьялик лавозимига номзодлар учун савол-жавоблар” номли услубий тавсиялар тайёрланди. Бу услубий тавсиялар энг аввало, суд-ҳуқуқ соҳасидаги замонавий билимларни ошириш, бўлажак судьяларда фуқаролик моддий ва процессуал қонунчилиги нормаларини суд амалиётида тўғри ва бир хилда қўллаш кўникмаларини ривожлантиришга мўлжалланган. Унда фуқаролик ишларини кўришда юзага келадиган мураккаб низоли вазиятлар ва уларнинг қонуний ечимлари аниқ савол-жавоблар тарзида ёритиб берилган.

Академия Кенгаши йиғиладиган кунга қадар Кенгаш котиби Ф.Мадиев томонидан барча аъзоларга мазкур услубий тавсияларнинг электрон шакли олдиндан тақдим этилган бўлиб, у билан танишиб чиқиш имконияти яратилган эди. Ҳурматли Кенгаш аъзолари, ушбу услубий тавсияномага соҳанинг етук мутахассислари томонидан ижобий тақризлар олинганлигини ҳамда масала кафедра мажлисида атрофлича кўриб чиқилиб, маъқулланганлигини эътиборга олиб, уни нашрга ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашга тавсия этишини сўрайман.

И.Насриев ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Ушбу масала юзасидан Кенгаш аъзолари томонидан қўшимча фикр ва мулоҳазалар билдирилмади.

Шундан сўнг, раислик қилувчи Кенгаш аъзоларидан мазкур услубий тавсияларни нашрга тавсия этиш масаласини очиқ овозга қўйди.
Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ :

1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори И.Насриевнинг “Фуқаролик ишлари бўйича судьялик лавозимига номзодлар учун савол-жавоблар” номли услубий тавсияларни нашрга тавсия этиш юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси томонидан тайёрланган, И.Насриев ва бошқалар ҳаммуаллифлигидаги “Фуқаролик ишлари бўйича судьялик лавозимига номзодлар учун савол-жавоблар” номли услубий тавсиялар нашрга тавсия этилсин ва нашр этиш Одил судлов академияси маблағи ҳисобидан молиялаштирилсин.

3. Мазкур услубий тавсияларни сифатли чоп этилишини таъминлаш вазифаси Академиянинг Ўқув-услубий бўлими ҳамда муаллиф зиммасига юклатилсин.

4. Нашр этиш юзасидан ушбу қарор ижросини таъминлаш Академия бош ҳисобчиси Қ.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи масала** юзасидан сўзни Маъмурий-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори Б.Самарходжаевга берди

Б.Самарходжаев: Ассалому алайкум ҳурматли Кенгаш аъзолари! Маъмурий-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари жамоаси томонидан “Судьялик лавозимига номзодлар учун саволларга жавоблар” номли услубий тавсиялар тайёрланди. Бугунги кунда маъмурий судлов тизимини янада ривожлантириш ва бу соҳада етук кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур услубий тавсиялар энг аввало, судьялик лавозимига номзодларнинг назарий ва амалий билимларини оширишга, маъмурий ҳуқуқ ва суд ишини юритиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини тўғри талқин қилиш ҳамда мураккаб қазусли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш қўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Кенгаш йиғилишига қадар ушбу услубий тавсияларнинг электрон шакли Кенгаш котиби Ф.Мадиев томонидан барча аъзоларга танишиб чиқиш учун олдиндан тақдим этилган эди. услубий тавсиялар соҳанинг етук мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилиб, тегишли ижобий тақризлар олинган ва кафедрамиз мажлисида ҳам муҳокамадан ўтиб, нашрга тавсия этишга маъқулланган. Шуларни эътиборга олиб, ушбу услубий тавсияларни нашрга тавсия этишни ёқлаб овоз беришларини сўрайман.

Б.Самарходжаев ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Ушбу масала юзасидан Кенгаш аъзолари томонидан қўшимча фикр ва мулоҳазалар билдирилмади.

Шундан сўнг, раислик қилувчи Кенгаш аъзоларидан мазкур услубий тавсияларни нашрга тавсия этиш масаласини очик овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Маъмурий-ҳукукий фанлар кафедраси профессори Б.Самарходжаевнинг “Судьялик лавозимига номзодлар учун саволларга жавоблар” номли услубий тавсияларни нашрга тавсия этиш юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Маъмурий-ҳукукий фанлар кафедраси томонидан тайёрланган “Судьялик лавозимига номзодлар учун саволларга жавоблар” номли услубий тавсиялар нашрга тавсия этилсин ва нашр этиш Одил судлов академияси маблағи ҳисобидан молиялаштирилсин.

3. Мазкур услубий тавсияларни сифатли чоп этилишини таъминлаш вазифаси Академиянинг Ўқув-услубий бўлими ҳамда муаллиф зиммасига юклатилсин.

4. Нашр этиш юзасидан ушбу қарор ижросини таъминлаш Академия бош ҳисобчиси Қ.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **ўнинчи масала** юзасидан сўзни Иқтисодий-ҳукукий фанлар кафедраси мудири С.Холбаевга берди.

С.Холбаев: Ассалому алайкум ҳурматли Кенгаш аъзолари! Иқтисодий-ҳукукий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари жамоаси томонидан “Судьялик лавозимига номзодлар учун саволларга жавоблар” номли услубий тавсиялар тайёрланди.

Кенгаш йиғилишига қадар ушбу қўлланманинг электрон шакли Кенгаш котиби Ф.Мадиев томонидан барча аъзоларга танишиб чиқиш учун олдиндан тақдим этилган. Услубий тавсияларга соҳанинг мутахассис олимлари ва амалиётчилари томонидан тегишли ижобий тақризлар олинган ҳамда у кафедра мажлисида атрофлича муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этишга маъқулланган. Шуларни эътиборга олиб, мазкур услубий тавсияларни нашрга тавсия этишни ёқлаб овоз беришларингизни сўрайман.

С.Холбаев ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай тақлиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Ушбу масала юзасидан Кенгаш аъзолари томонидан қўшимча фикр ва мулоҳазалар билдирилмади.

Шундан сўнг, раислик қилувчи Кенгаш аъзоларидан мазкур услубий тавсияларни нашрга тавсия этиш масаласини очик овозга қўйди.

Тарафдорлар - 16 та; қаршилар - 0; бетарафлар – 0

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Иқтисодий-ҳукукий фанлар кафедраси мудири С.Холбаевнинг “Судьялик лавозимига номзодлар учун саволларга жавоблар” номли услубий тавсияларни нашрга тавсия этиш юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Иқтисодий-ҳукукий фанлар кафедраси томонидан тайёрланган “Судьялик лавозимига номзодлар учун саволларга жавоблар” номли услубий тавсиялар нашрга тавсия этилсин ва нашр этиш Одил судлов академияси маблағи ҳисобидан молиялаштирилсин.

3. Мазкур услубий тавсияларни сифатли чоп этилишини таъминлаш вазифаси Академиянинг Ўқув-услубий бўлими ҳамда муаллиф зиммасига юклатилсин.

4. Нашр этиш юзасидан ушбу қарор ижросини таъминлаш Академия бош ҳисобчиси Қ.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **ўн биринчи масала** юзасидан сўзни яна С.Холбаевга берди.

С.Холбаев: Кафедрамиз профессор-ўқитувчилари томонидан навбатдаги “Иқтисодий ишлар бўйича суд ҳужжатлари намуналари” номли амалий қўлланма тайёрланди. Бугунги кунда иқтисодий суд муҳокамаси жараёнларида процессуал ҳужжатларни тўғри ва конун талабларига мувофиқ тузиш, уларни расмийлаштириш суд ходимлари ва бўлажак судьялар учун ўта муҳимдир. Ушбу мақсадларга хизмат қилувчи мазкур қўлланма тингловчилар ва номзодларни амалий жиҳатдан тайёрлашга, уларда иқтисодий суд амалиёти кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Кенгаш йиғилишига қадар ушбу амалий қўлланманинг электрон шакли Кенгаш котиби Ф.Мадиев томонидан барча аъзоларга танишиб чиқиш учун олдиндан тақдим этилган эди. Шунингдек, қўлланмага соҳанинг етакчи мутахассислари томонидан тегишли ижобий тақризлар олинган ҳамда у кафедра мажлисида атрофлича муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этишга маъқулланган. Шуларни эътиборга олиб, ушбу амалий қўлланмани нашрга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқишга тавсия этишни ёқлаб овоз беришларингизни сўрайман.

С.Холбаев ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди. Ушбу масала юзасидан Кенгаш аъзолари томонидан қўшимча фикр ва мулоҳазалар билдирилмади. Шундан сўнг, раислик қилувчи Кенгаш аъзоларидан мазкур амалий қўлланмани нашрга тавсия этиш масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар - 16 та; қаршилар - 0; бетарафлар - 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Иқтисодий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири С.Холбаевнинг “Иқтисодий ишлар бўйича суд ҳужжатлари намуналари” номли амалий қўлланмани нашрга тавсия этиш юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Иқтисодий-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган “Иқтисодий ишлар бўйича суд ҳужжатлари намуналари” номли амалий қўлланма нашрга тавсия этилсин ва нашр этиш Одил судлов академияси маблағи ҳисобидан молиялаштирилсин.

3. Мазкур амалий қўлланмани сифатли чоп этилишини таъминлаш вазифаси Академиянинг Ўқув-услубий бўлими ҳамда муаллиф зиммасига юклатилсин.

4. Нашр этиш юзасидан ушбу қарор ижросини таъминлаш Академия бош ҳисобчиси Қ.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Кенгаш котиби:

Ф.Мадиев